

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
Q A R O R I



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

22 " мая 2018 й. г. № 385

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Маданий-кўнгилочар ва оммавий спорт тадбирларининг
ягона тақвимини шакллантириш тартиби тўғрисида**

Миллий туризм маҳсулотларини яратиш ва уларни жаҳон бозорларида тарғиб қилиш, туризм соҳасида Ўзбекистоннинг ижобий қиёфасини шакллантиришда маданий-кўнгилочар ва оммавий спорт тадбирларини ўтказиш, шу асосда республикага келаётган сайёҳлар оқимини кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Маданий-кўнгилочар ва оммавий спорт тадбирларининг ягона тақвимини шакллантириш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмурадов, Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б.С. Сайфуллаев, жисмоний тарбия ва спорт вазири Ш.Х. Исроилов ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “22” май даги
385 - сон қарорига
илова

Маданий-кўнгилочар ва оммавий спорт тадбирларининг ягона тақвимини шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом маданий-кўнгилочар ва оммавий спорт тадбирларининг ягона тақвимини шакллантириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

маданий-кўнгилочар ва оммавий спорт тадбирларининг ягона тақвими (кейинги ўринларда тақвим деб аталади) – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўтказиладиган халқаро ва республика миқёсидаги ушбу Низомнинг 3 - бандида назарда тутилган маданий-кўнгилочар ва оммавий спорт тадбирлари рўйхати ва уларни ўтказиш муддатлари;

тадбирлар учун медиа контент (кейинги ўринда медиа контент деб аталади) – Интернет жаҳон ахборот тармоғи, шу жумладан ижтимоий тармоқларда жойлаштириладиган тақвим орқали кўриш ва эшитиш мумкин бўлган фотолавҳалар ва видеороликлар.

3. Маданий-кўнгилочар ва оммавий спорт тадбирларининг ягона тақвимида қуйидаги халқаро ва республика миқёсида ўтадиган тадбирлар киритилиши мумкин:

халқаро конференциялар, семинарлар ва анжуманлар;

миллий ва халқаро кўргазмалар ҳамда ярмаркалар;

миллий чолғулардан иборат турли концертлар;

спорт мусобақалари ва тадбирлари;

амалий санъат намуналари намойишлари;

миллий ҳунармандчилик йўналишидаги тадбирлар;

оммавий театр-томоша ва миллий ўйинлар намойишлари;

туризм ва маданий мерос объектларидаги тадбирлар;

бошқа маданий-кўнгилочар ва оммавий спорт тадбирлари.

4. Маданий-кўнгилочар ва оммавий спорт тадбирларини молиялаштириш ижрочилар ва ҳомийлик хайриялари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

2-боб. Тақвимни шакллантиришнинг асосий вазифалари

5. Қуйидагилар тақвимни шакллантиришнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Интернет жаҳон ахборот тармоғи, шу жумладан ижтимоий тармоқлар орқали Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган маданий-кўнгилочар ва оммавий спорт тадбирлари

тўғрисида хорижий сайёҳларнинг аввалдан тўлиқ маълумотга эга бўлишини таъминлаш;

туризм соҳасида хизмат кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига туризм хизматларини шакллантириш ва ушбу хизматларни кўрсатиш учун ахборот базасини яратиш;

республика ҳудудида ўтадиган халқаро кўرғазмалар, ярмаркалар, спорт мусобақалари ва тадбирлар, амалий санъат намуналари намойиши, миллий ҳунармандчилик йўналишлари асосидаги тадбирлар, оммавий театр-томоша ва миллий ўйинлар намойишларида ҳамда бошқа маданий-маърифий тадбирларда хорижий меҳмонларнинг иштирокини таъминлаш;

республикага келаётган хорижий сайёҳлар оқимининг кўпайишига, ички ҳамда ташқи туризмни ривожлантиришга кўмаклашиш;

халқаро туризм бозорида “Ўзбекистон” брендининг кенг миқёсда тарғиб қилиниши ҳамда ёритиб борилишини таъминлаш.

3-боб. Таквимни шакллантириш

6. Маданий-кўнгилочар ва оммавий спорт тадбирларининг ягона таквимини шакллантириш ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Бадий академияси, Савдо-саноат палатаси, “Ўзбеккино” миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларидан олинган ушбу Низомнинг 2 ва 3 - иловаларига мувофиқ шакл бўйича маълумотларни ҳар йили 1 ноябргача умумлаштириб, 15 ноябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига фотолавҳалар ва видеороликлар ҳамда тадбирлар бўйича бошқа маълумотлар бўлган медиа контент билан биргаликда тақдим этади.

Таквимда ҳар бир тадбир бўйича медиа контент мавжуд бўлиши зарурий шарт ҳисобланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маданий-кўнгилочар ва оммавий спорт тадбирларининг ягона таквимини шакллантириб, ҳар йили 15 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекси раҳбарига тасдиқлаш учун тақдим этади.

9. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳар йили 1 январга қадар интерактив шаклдаги таквим шакллантирилишини ҳамда доимий равишда Интернет жаҳон ахборот тармоғи, шу жумладан ижтимоий тармоқлар орқали сайёҳлар учун кенг миқёсда тарқатилишини таъминлайди.

10. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Маданий-кўнгилочар ва оммавий спорт тадбирларини Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда оммавий ахборот воситалари, Интернет жаҳон ахборот тармоғи, шу жумладан ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёритади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

11. Таквимга йил мобайнида тегишли вазирликлар ва идораларнинг таклифларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

12. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

**Маданий-кўнгилочар ва оммавий спорт тадбирларининг
ягона тақвимини шакллантириш
СХЕМАСИ**

Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Бадий академияси, Савдо-саноат палатаси, “Ўзбеккино” миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларидан олинadиган ушбу Низомга 2 ва 3 - иловаларга мувофиқ шакл бўйича маълумотларни умумлаштиради.	Ҳар йили 1 ноябрга қадар
Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги	Умумлаштирилган маълумотларни Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига фотоланглар ва видеороликлар ҳамда тадбирлар бўйича бошқа маълумотлар бўлган медиа контент билан биргаликда тақдим этади.	Ҳар йили 15 ноябрга қадар
Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси	Маданий-кўнгилочар ва оммавий спорт тадбирларининг ягона тақвимини шакллантириб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекси раҳбарига тасдиқлаш учун тақдим этади.	Ҳар йили 15 декабрга қадар
Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси	Интерактив шаклдаги тақвим шакллантирилишини ҳамда доимий равишда Интернет жаҳон ахборот тармоғи, шу жумладан ижтимоий тармоқлар орқали сайёҳлар учун кенг миқёсда тарқатилишини таъминлайди.	Ҳар йили 1 январга қадар
Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси	Маданий-кўнгилочар ва оммавий спорт тадбирларини Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда оммавий ахборот воситалари, Интернет жаҳон ахборот тармоғи, шу жумладан ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёритади.	Доимий равишда
Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси	Тақвимга зарур ҳолларда тегишли вазирликлар ва идораларнинг таклифларига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритади.	Йил мобайнида

**Маданий-кўнгилочар ва оммавий спорт тадбирларининг
паспорти намунаси**

Т/р	Тадбир тўғрисидаги маълумотлар		Тадбир ўтказилиши тўғрисидаги маълумот жойлаштирилган ижтимоий тармоқлар <i>(агар мавжуд бўлса)</i>	
1	<hr/> <hr/> <hr/> <i>(тадбир номи)</i>		Веб-сайт: _____ Facebook: _____ Instagram: _____ Twitter: _____	
2	Тадбир ўтказиладиган сана:			
3	Тадбир ўтказиладиган жой:			
4	Тадбир ташкилотчилари:	ИНН: _____ ИНН: _____		
5	Тадбир тури: <input type="checkbox"/> халқаро конференциялар, семинарлар ва анжуманлар; <input type="checkbox"/> миллий ва халқаро кўргазмалар ҳамда ярмаркалар; <input type="checkbox"/> миллий чолғулардан иборат турли концертлар; <input type="checkbox"/> спорт мусобақалари ва тадбирлари; <input type="checkbox"/> амалий санъат намуналари намойишлари; <input type="checkbox"/> миллий хунармандчилик йўналишидаги тадбирлар; <input type="checkbox"/> оммавий театр-томоша ва миллий ўйинлар намойишлари; <input type="checkbox"/> туризм ва маданий мерос объектларидаги тадбирлар; <input type="checkbox"/> бошқа маданий-кўнгилочар ва оммавий спорт тадбирлари: _____ . <i>(тадбир номи аниқ кўрсатилиши лозим)</i>			
6	Тадбир кўлами:	<input type="checkbox"/> Халқаро миқёсда	_____ _____ <i>(тадбир номи аниқ кўрсатилиши лозим)</i>	_____ _____ <i>(иштирокчилар сони аниқ кўрсатилиши лозим)</i>
	Тадбир кўлами:	<input type="checkbox"/> Республика миқёсида	<input type="checkbox"/> Қорақалпоғистон Республикаси <input type="checkbox"/> Андижон вилояти <input type="checkbox"/> Бухоро вилояти <input type="checkbox"/> Жиззах вилояти <input type="checkbox"/> Навоий вилояти <input type="checkbox"/> Наманган вилояти <input type="checkbox"/> Самарқанд вилояти <input type="checkbox"/> Сирдарё вилояти <input type="checkbox"/> Сурхондарё вилояти <input type="checkbox"/> Тошкент вилояти <input type="checkbox"/> Тошкент шаҳри <input type="checkbox"/> Фарғона вилояти <input type="checkbox"/> Хоразм вилояти <input type="checkbox"/> Қашқадарё вилояти	_____ _____ <i>(иштирокчилар сони аниқ кўрсатилиши лозим)</i>
7	Тадбир ўтказиш учун асос:			
	<input type="checkbox"/> Ўзбекистон Республикаси Президенти хужжатлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, топшириқлари	_____ <i>(хужжат рақами ва тасдиқланган санаси)</i>		

	<input type="checkbox"/> Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари (давлат органлари) қарорлари	_____ (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари (давлат органлари) қарори рақами ва тасдиқланган санаси)
	<input type="checkbox"/> Ташаббускорлар таклифлари асосида	_____ (мурожаат рақами ва санаси)
	<input type="checkbox"/> Бошқа асослар	_____ (аниқ кўрсатилиши лозим)
8	Молниялаштириш манбалари:	Қиймати:
	<input type="checkbox"/> Ташкилотчи маблағлари	
	<input type="checkbox"/> Ҳомийлар хайриялари	
	_____ (ҳомийлар номи аниқ кўрсатилиши лозим)	
	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари (молия органлари билан келишилган ҳолда)	
9	Хавфсизлик масалалари:	
	<input type="checkbox"/> Тегишли рухсатномага эга: _____ (ҳужжат қайси ташкилот томонидан берилган, рақами ва санаси)	
	<input type="checkbox"/> Махсус рухсатнома олиш талаб этилмайди.	
10	Тадбирларни ўтказиш тили:	
	<input type="checkbox"/> ўзбек	
	<input type="checkbox"/> рус	
	<input type="checkbox"/> инглиз	
	<input type="checkbox"/> бошқа тиллар: _____ (аниқ кўрсатилиши лозим)	

Асосий ташкилотчининг номи:

(Имзо)

Ф.И.О. (Раҳбар)

Мухр

Ташкилотчилар:

(Имзо)

Ф.И.О. (Раҳбар)

Мухр

Ф.И.О. (Раҳбар)

Мухр

_____ (Имзо)

